

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг сугорилиш тарихига доир муроҳазалар	81
У.Усаров	
ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдураҳмонова	
Оғаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Деҳқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник моделли гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида қасбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муидинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдор навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлиар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК: 42/48+331.761

ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИДА КАСБИЙ-КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНОЯЗЫЧНОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ

THE ISSUES OF DEVELOPING PROFESSIONAL COMMUNICATIVE COMPETENCE OF MEDICAL STUDENTS IN A FOREIGN LANGUAGE

М.Ахмедова

Аннотация

Мақолада тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириши масалалари ва уларни ҳал этиши ўйлари батағсил баён қылғанган. Шу билан берігә чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириши усулуниң үрганған тишлинос олимпартарнинг ишлари көнг таҳлил этилған. Чет тилида коммуникатив компетенция ва компетент мутахассис шахсига таъриф берилди.

Аннотация

Статья рассматривает проблемы формирования иноязычной профессионально-коммуникативной компетенции у студентов медицинских вузов. Также изучены работы ученых-лингвистов по проблемам формирования иноязычной профессионально-коммуникативной компетенции. Определены понятия "компетенция" и "компетентный специалист".

Annotation

The article studied the problems and solutions for developing communicative competence of medical students in a foreign language. The article also explored the research works of linguists on developing communicative competence in foreign languages. The terms "competence" and "competent specialist" have been defined.

Таянч сүз ва иборалар: коммуникатив компетенция, чет тилида касбий коммуникатив компетенция, мутахассис шахсини шакллантириши.

Ключевые слова и выражения: коммуникативная компетенция, иноязычная профессиональная коммуникативная компетенция, формирование личности специалиста.

Keywords and expressions: communicative competence, professional communicative competence in foreign languages, the personality of the specialist.

Педагогика ва психологияда мутахассис шахсини шакллантириш масалалари ҳамиша қызғын баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Бу эса лингводидактикада чет тилида касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириши масалаларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этишга кенг имкониятлар яратилди.

Тиббиёт олий ўқув юртларида чет тилда касбий коммуникатив компетенциянинг таркиби чет тили компетенциясини, касбий компетенция, коммуникатив компетенцияларни ўз ичига олади ва қуидаги асосий компонентларга эга:

- биринчи навбатда касбий мулокот мақсади, кейин эса мавзу белгиланади;
- касбий коммуникатив фаолият соҳаси, мавзулари, дастурлари ва уларни тузиш муаммолари, коммуникатив, касби ва

ижтимоий роли, нутқий фаолият ва нутқ материаллари (матнлар, мақола, вербал мулокот ва бошқалар);

- тил материаллари, уни хужжатлаштириш қоидалари ва улардан фойдаланиш малакаси;

- мулокот воситаси сифатида чет тилини амалий үрганиш даражасини, жумладан, касбий мулокотдаги муаммоларни ҳал қилишни характерловчи маҳсус (нутқий) малакалар мажмую;

- касбий соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва реалиялари ҳақидаги билимлар тизими, нутқий этикет шакллари ва уларни турли расмий мулокотларда қўллаш кўникмаси;

- касбий мулокотни эгаллаш мақсадида чет тилини зарурий талаб даражасида үрганишни таъминлайдиган ўқув ва компенсацион (адаптив) малакалар, маълумотномалар ва луғатлардан фойдаланиш малакалари.

М.Ахмедова – ФарДУ инглиз тили ўқитиши методикаси кафедраси ўқитувчиси.

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Чет тили ўқитишининг мақсади инглиз тили машғулотларида бўлғуси мутахассисларнинг касбий коммуникатив компетенциясини инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда шакллантиришдир.

Ушбу мақсад хорижий ҳамкаслар ва ҳамкорлар билан мулоқот қила олиш, зарур бўлганда сұхбатни тұхтатиш ёки давом эттириш, чет тилидаги турли манбалардан фойдаланиб, касбий билим, күникма ва малакаларни доимий равишда ошириб бора олиш учун етарли даражада чет тилидаги касбий коммуникатив компетенцияга эга мутахассисларни тайёрлаш вазифасига бўйсундирилади.

Чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва баҳолаш методикаси бўйича М.Кэнейл ва М.Свейнлар ишлаб чиқкан концепция бу соҳада илмий тадқиқотларни давом эттиришда асос бўлиб хизмат қилди. Улар коммуникацияни амалга ошириш учун зарур билим ва малакалар асосида коммуникатив компетенция ётади, деб ҳисоблайдилар (масалан, лексикага оид билим ҳамда социомаданий қоидалар ва қадриятлардан фойдаланиш малакалари). М.Кэнейл ва М.Свейнларнинг фикрига кўра, коммуникатив компетенция билимга ҳам тегишли ҳамда “реал мулоқот” малакасига эга бўлишдир. [3, 1-47]

Чет тилини ўргатишга амалий ёндашув тадқиқотчиларга коммуникатив компетенциянинг компонентларини, яъни грамматик, социолингвистик, дискурсив (дискурсивлик), стратегик компетенцияларни ўрганишга йўл очиб берди. [4, 111-122]

Юқорида келтирилган тадқиқотлардан ташқари, чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантириш бўйича Ж.Манби, Х.Г.Виддовсон, Г.Каспар, Р.Клиффорд, Т.МакНамара каби олимлар ҳам тадқиқотлар олиб борган.

Г.К.Селевко компетенцияни таълим натижаси сифатида кўриб чиқади, талабаларнинг тайёргарлигида методлардан, фаолият юритиш воситаларидан реал фойдалана олиш, белгиланган вазифаларни бажара олиш ҳамда атрофдаги мухитни ўзgartариш мақсадини белгилай олиш ва унга эриша олишни ҳам назарда тутади. Компетентликни эса Г.К.Селевко шахснинг билим ва тажрибаси асосида фаолият

юрита олиш хусусиятлари ва фаолият юритишига тайёрлигини, фаолиятда мустақил ва муваффақиятли иштирок эта олишини намоён этадиган интеграл хусусияти, деб ҳисоблайди. Мулоқот жараёнининг барча параметрларини таҳлил қилган ҳолда, И.Л.Бим компетенцияни маданиятлараро мулоқот даражасигача кенгайтиради. [7, 48-50]

Компетентлик ва компетенция тушунчаларини аниқлашга қаратилган ёндашувларни таҳлил қилишда, ушбу тушунчаларнинг аниқ таърифини топмадик. Бу тушунчалар турли аспектларда турлича кўриб чиқлади: касбий фаолиятга тайёр бўлиш сифатида, уни бажариш лаёқатига эга бўлиш сифатида, шахсий фазилатлар сифатида, малака соҳаси сифатида.

Касбий компетентлик доирасида, шахсга касбий фаолиятни амалга оширишда, унинг вазифаларини фаолиятнинг ўзгариб турадиган оқимида ҳам амалга ошириш билан боғлиқ қарорларни мустақил қабул қилишга ёрдам берадиган касбий компетенциялар ва шахсий фазилатлар тушунилади.

Коммуникатив компетенция категориялари психология, тилшунослик, маданият, фалсафа ва лингводидактика каби кўплаб фанлар йўналишларида ўрганилган. Бироқ, бу тушунча қайси фан нуқтаи назаридан ўрганилмасин, жуда кўплаб олимлар коммуникатив компетенция, нутқий фаолият усули орқали амалга оширилади, деган хуносага келди.

Мулоқотнинг коммуникативлилик томони – мулоқотдошлар ўртасида ахборот алмашишдан иборат. Мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири учун маълумот олиш алоҳида рол ўйнайди, иштирокчилар нафақат бир-бирларидан маълумот оладилар, балки ўзаро бир фикрга келишга ҳам ҳаракат қиласидилар. Бу фақатгина баъзи бир умумий фаолият тизимиға алоқадор бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Аммо маданиятлараро коммуникацияга киришишда, маданиятлараро диалогда лисоний тўсик мулоқот иштирокчисининг нотўғри қабул қилинишида ва коммуникатив жараён иштирокчиларининг бир-бирларини тушунмаслик ҳолатлари оқибатида тез-тез юзага келади. [8, 17 - 24]

Юзага келган муаммо бўйича кўплаб олимлар, жумладан Г.М.Андреева, Е.И.Пассовлар коммуникатив компетенцияни шакллантириш мазмунида ўзаро бир-бирига боғлиқ уч жиҳатни ажратиб кўрсатди, жумладан: коммуникатив, интерактив, перцептив.

Коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг перцептив томони идентификация, эмпатия, апперцепция (олдиндан сезиш), рефлексия каби психологияк механизмлар ҳисобига ўзаро бир-бирини тушуниш асосида бошқа бир киши томонидан идрок этиш жараёнини назарда тутади.

Коммуникациянинг интерактив томони одамларнинг ўзаро муносабатларга киришишини уларнинг биргаликдаги фаолиятини тўғридан-тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ.

Коммуникативлик даражаси бирор-бир лингвокультурологик жамиятга тегишли нутқ намуналари, маданий анъаналар воситасида мулоқотнинг тўғри амалга оширилиши орқали ўзаро бир-бирини тушунишни англатади.

Маданиятлараро мулоқотта киришишнинг интерфаоллик даражаси - коммуникантнинг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда шахслараро мулоқотни ташкил этилганлигини англатади.

Маданиятлараро мулоқотга киришишнинг перцептив даражаси турли маданият вакилларининг ўзаро бир-бириларини тушуниши ва яқинлаштириш механизмини очиб беради.

Нофилологик олий ўкув юртларида чет тилини ўқитишига культурологик ёндашувда коммуникатив компетенция фаолият жараёнида намоён бўладиган, айнан чет тилидаги мулоқот жараёнида юзага чиқадиган мақсадли ташкил этилган эҳтиёж сифатида кўрилади. Ушбу тавсиф бизга тадқиқ этилаётган категорияни тўлиқроқ таърифлашга имкон беради.

Маълумки, маданиятшуносликка оид билимларнинг асосий манбаи семантиканинг миллий ва маданий компонентларига эга тил бирликлари ҳисобланади ҳамда маданият тилнинг лексик-семантик тизимига катта таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам кўпинча чет тилидаги тушунчалар она тили воситаси орқали изҳор этилганда, сўз маънолари мос келмайди. Бу сўзларнинг

“ички шакли”да жойлашган маъноларни очиш методига бўлган заруриятни келтириб чиқаради.

Чет тилини ўрганаётганлар кўп ҳолларда сўзларнинг қўшимча маънолари ва бу сўзлар ортида тушунчалар мавжудлигини сезмайдилар. Тил соҳиблари учун мўлжалланган бир тилли луғатларда бундай сўзлар эксплицит тарзда ифодаланмайди. Икки тилли луғатларда сўзларнинг факат таржимаси берилади ҳамда бу, бир лексик бирликнинг бошқа лексик бирликнинг маъносида қўлланилиши таржиманинг тўғрилигига шубҳа қолдирмайди.

Натижада, талабалар бундай лексикани бадиий асарларда учратадилар ва шу тилда сўзлашувчилар билан мулоқот қилганда, ундан фойдаланишга ҳаракат қиладилар ва сўзларнинг семантикасини нотўри ўзлаштириб олиш, шунингдек, сўзларнинг синтактик бирикиш хусусиятларини билмаслик, нотўри ассимиляция сабаб хатоларга йўл қўядилар. Шу билан бирга, талабалар мамлакатшунослик ва маданиятшуносликка оид қимматли лисоний маълумотларни нотўри ўзлаштириб оладилар, улар таркибидаги ўзига хос хусусиятларни билмаслик оқибатида тили ўрганилаётган мамлакат ва унинг маданияти ҳақида номақбул маълумот оладилар.

Хозирда, лексикани миллий ва маданий компонентларга эга семантикаси билан ўргатишга бағишлиланган ҳамда лингвистик характерга эга илмий-тадқиқот ишлари жуда кўп, жумладан, Д.О’нейл, С.Крамш, М.Байрам, Р.Вардхоф, Д.Х.Браунларнинг унинг методик масалаларини ҳал этишига қаратилган илмий-тадқиқот ишларини мисол келтириш мумкин. [1, 2, 5, 6]

Бу олимларнинг тадқиқотларида ушбу тил бирликларининг таснифи, тақдим этиш турлари ва семантизацияси тавсия этилган. Шунга қарамай, бир қатор ҳал этилмаган методологик муаммолар мавжуд. Булардан бири, фикримизча, лексик бирликларни ўргатиш, нутқ фаолияти турлари ва ўкув жараёнини ташкил этиш шакли усули муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, таълимнинг алоҳида босқичида ўргатилиши ва алоҳида методик аппаратнинг зарурлигидадир.

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Бу, айниқса нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилини ўргатишида мұхим ҳисобланади, чунки талабалардан тил бирликларини чет тилида илмий, илмий-оммабоп, бадий вә сүзлашув услугига мослаштириб ифодалашни, шунингдек, ушбу материал асосида нұтқ ғаолиятининг барча турлари бүйіча малакаларни ривожлантиришни, жумладан, мутахассисликка оид лекцияларни англаш ва дастлабки манбаларни ёзіб олишни, семинарларда иштирок этишни вә когнитив (индивидуал-психик) ғаолият, яъни билим объекті – мутахассислик вә чет тилини англаш воситаси сифатида қабул қилишни талаб этади.

Юқорида көлтирилгандардан, асосий эътибор ўқув ғаолиятининг расмий

жиҳатларига күра әмас, балки мазмун жиҳатдан концептуал-семантик асосда ўқув материалларининг ижодий түзилиши коммуникатив компетенциянинг алохіда ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Коммуникатив компетенцияни шакллантириш мазмуну ушбу ғаолияттің мақсадыға қараб белгиланади.

Тибиёт олий ўқув юртларыда чет тилини ўргатиши жараённанда коммуникатив компетенцияни шакллантириш мазмуну профессионал соҳада мулоқот қилиш учун етарли даражага олиб чиқыш әхтиёжи орқали, бошқача қилиб айтганда, ўрганилаётган тилнинг коммуникативлик мақсадидан келиб чиқкан ҳолда ўзига хос аниқ методологияни ишлаб чиқиш орқали аниқланади.

Адабиётлар:

1. Byram M. Culture and Language Learning in Higher Education. Clevedon: Multilingual Matters Ltd. 1994.
2. Brown H. Douglas. Principles of language learning and teaching (4th ed). White Plains: Pearson Education. 2000.
3. Canale, M. & M.Swain. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. *Applied Linguistics*, 1, 1980.
4. Keen K. Competence: What is it and how can it be developed? / In J. Lowyck, P. de Potter, & J.Elen (Eds.). Brussels: IBM Education Center, 1992.
5. Kransch C. *Language and Culture*. Oxford: Oxford University Press. 2001.
6. Wardhaugh Ronald *An introduction to sociolinguistics* (4th ed.). Oxford: Blackwell Publishers Ltd. 2002.
7. Бим И.Л. Обучение иностранным языкам: поиск новых путей//Иностранные языки в школе. –1989.– №1.
8. Гез Н.И. Формирование коммуникативной компетенции как объект зарубежных методических исследований / Н.И. Гез // Иностранные языки в школе. - 1986. - №2.

(Тақризчи: Т.Әгамбердиева-педагогика фанлари доктори, профессор)